



2020 у. «2» сентябрь

№ Қ-434

«__»__ 20__ г.

Шўрчи туманида фаолият юритаётган “Сарбон Миркамолбек” фермер хўжалигига тумanning “Совжиронбобо” ва “Тўла” маҳаллалари ҳудудидан балиқчиликни ривожлантириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/517-сон йиғилиш баёни ва Шўрчи туман ҳокимининг 2020 йил 23 июндаги 537/01-12-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/517-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шўрчи туманида фаолият юритаётган “Сарбон Миркамолбек” фермер хўжалигига тумanning “Совжиронбобо” маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалик харитасининг 255а, 255 ва 260-дала контурларидан ва “Тўла” маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалик харитасининг 256, 256а, 256б, 143а, 143б ва 140б-дала контурларидан жами 3,10 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони балиқчиликни ривожлантириш мақсадида озуқабоп экинлар экиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шўрчи тумани ҳокимлиги (Б.Худойберганов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Бурапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

